

## Андижонда «Ёшлар форуми Андижон 2021» фестивали ўтказилди

Жорий йилнинг 20-22 май кунлари Андижонда «Ёшлар форуми Андижон 2021» фестивали ўтказилди. Андижон вилояти ҳокимлиги, вилоят Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган форумнинг асосий мақсади вилоят мактаб битирувчилари ҳамда 30 ёшгача бўлган ишсиз ҳамда уюлмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ҳунарга ўргатиш бўйича Андижон тажрибасини кенг оммага тарғиб этиш намоён қилинди.



Фестивалнинг иккинчи куни меҳмонлар Андижон шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий ва педагогика коллежи негизидаги ташкил этилган “Аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш маркази”га ташриф буюрдилар. Бу ерда имтиёзли кредит олиб фаолиятини йўлга қўйган уюлмаган ёшлар билан, ёш спортчилар томонидан кўргазма ташкил қилинди. Бундан ташқари форум иштирокчилари Андижон шаҳридаги ИТ-парк фаолияти билан танишиб, бу ерда робототехника бўйича республика мусобақасида иштирок этишди. Форум иштирокчилари ўртасида “Ёшлар форуми” ёшлар ҳаёти видео роликлар танлови ва яна 14 нафар иштирокчилар билан “Кибер спорт” мусобақаси ўтказилди.



Шундан сўнг меҳмонлар Андижон шаҳрининг Регистон майдонида вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ташкиллаштирилган ярмаркада бўлишди. Унда мактаб битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таништирилди. Фестивалнинг сўнги куни Андижон шаҳри марказида форум якунига бағишланган галаконцерт ўтказилди. Унда Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Абдурахмонов ҳамда бош вазир ўринбосари Беҳзод Мусаев иштирок этди.



Турли соҳаларда ўз иқтидорларини намоён қиладиган ёшлар тақдирланди ва “Андижон оқшомлари” шоу-концерт дастури намоён қилинди. ТИҚХММИ Қарши филиали Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг фаол аъзоси СХМ йўналиши 2-босқич талабаси Норов Ёрқин ҳам ушбу форумда фаол иштирок этиб қайтди.

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**